

Мадрасаларга кириш имтиҳони куни маълум бўлди



12:42 / 13.08.2023 1893

Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари 2023 йил 17 август куни бўлиб ўтиши режа қилинган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ҳамкорлигида мадрасаларга кириш имтиҳони “Чет тили”, “Тарих” ва “Маънавият ва маърифат” фанларидан тест синовлари шаклида ўтказилади.

Имтиҳонлар ўтказиш манзиллари, вақти ҳамда рухсатнома қоғозларини олиш тартиби ҳақида қўшимча хабар берилади.

Ўрта махсус ислом таълим муассасаларининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини кузатиб боринг:

"Фахриддин ар-Розий": <https://t.me/arroziyuz>

"Кўкалдош": <https://t.me/kukaldoshuz>

"Саййид Муҳйиддин махдум": <https://t.me/maxdumuz>

"Хадичаи Кубро": <https://t.me/xadichauz>

"Муҳаммад ал-Беруний": <https://t.me/alberuniyuz>

"Имом Термизий": <https://t.me/termiziylar>

"Ҳидоя": <https://t.me/hidoyauz>

"Хожа Бухорий": <https://t.me/Xojabuxoriy>

"Мир Араб": <https://t.me/mirarabmadrasa>

"Жўйбори Калон": <https://t.me/juyborikalon>